

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРУВЧИ ЎЙИНЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ МАШҒУЛОТДА ҚЎЛЛАШ ИМКОНИАТЛАРИ

K.D.Ismanova dotsent,

Namangan muhandislik-texnologiya unstituti, Namangan

SH.H.To'xtasinova - talaba

Namangan muhandislik-texnologiya unstituti, Namangan

Аннотация: Юртимиз ўз тараққиётининг янги босқичида мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишдек улуғвор мақсадларни қўяр экан, бунда кенг қўламли ва мураккаб вазифаларни бажаришга қодир бўлган янги авлод кадрларини тайёрлаш масаласи доимо долзарб бўлиб қолаверади. **Шу боис** ушбу мақолада ўқув жараёни самарадорлигини оширувчи алоҳида талқин этилди. Машғулотда қўлланилаётган турли ўқитиш технологиялари айнан ахборот технологияларини ўргатиш жараёнига тадбиқ этилди ва хусусий мисоллар келтирилди.

Kalit so'zlar: zamonaviy ta'lim, ta'lim tizimi, pedagogik mahorat, interfaol usullar, Bumerang texnologiyasi, usulni qo'llash, kontentlar, samaradorlik.

Таълимнинг бугунги вазифаси ўқувчиларни кун сайин ошиб бораётган ахборот - таълим муҳити шароитида мустақил фаолият кўрсата олишга, турли соҳаларда замонавий ахборот технологияларини самарали қўллаш ва ахборот оқимидан оқилона фойдаланишга ўргатишдан иборат экан, бунинг учун уларга узлуксиз равишда мустақил ишлаш имконияти ва шароитини яратиш бериш ҳамда ижодий фикрлаш ва мустақил қарорлар қабул қилишга ўргатиш зарурдир. Бу масаланинг ечими табиийки, мазкур жараённинг асосий ташкилотчиси – педагогларнинг тайёрлов сифатига боғлиқдир.

Шунинг учун асосий **мақсад** юқори даражада ўзлаштириш натижаларига эришишни таъминловчи инновацион технологиялардан фойдаланишнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш, хусусан, бугунги кунда замон талаб этаётган ахборот технологиялари бўйича педагогик инновациялардан фойдаланиш масалаларини тадқиқ этишдан иборатдир.

Таълим жараёнига инновацияларни қўллаш бугунги кунда қуйидаги вазифаларни амалга оширишни талаб этади:

- ✓ ўқув фанининг аниқ мақсадини аниқлаш;
- ✓ фаннинг ҳажмини ва мазмунини аниқлаш;
- ✓ зарур бўлган таълим технологияларини ишлаб чиқиш ва тавсия этиш;
- ✓ фаннинг моддий ва техник таъминотини яратиш;
- ✓ таълим олувчиларнинг хусусиятларини ўрганиш;

✓ ўқитувчининг тайёргарлиги ва дарс машғулоти лойиҳалаш.

Юқоридаги вазифалар ичида энг муҳими, бу ўқув жараёнини ташкил этиш учун энг мақбул бўлган таълим технологияларини ишлаб чиқишдир. Бу муаммоларни у ёки бу аниқ бир усулни тавсия этиш билан ҳал этиб бўлмайди, айниқса педагог репродуктив таълим усуллариинигина қўллашни мақсад қилган бўлса. Мақсадга эришишнинг энг тўғри йўли, бу дарс машғулоти лойиҳалашда интеграллашган таълим технологияларини ишлаб чиқиш ва улардан дарснинг турли босқичларида самарали фойдаланиш имкониятларини излашдир.

Информатика фанини ўқитишда шахсга йўналтирилган таълимнинг куйидаги методларини қўллаш мақсадга мувофиқдир:

- ўйинли технологиялар
- муаммоли ўқитиш
- дастурлаштирилган ўқитиш
- компьютерлаштирилган ўқитиш
- модулли ўқитиш

Бу технологиялар ўқув мавзуси мақсадидан ва мавзунинг мазмунидан келиб чиқиб, дарснинг турли босқичларида турлича қўлланиши мумкин. Мактаб ўқувчиларининг ёш хусусиятларини ҳисобга олиб, фанни ўқитишда ғоят самарали бўлган **ўйинли технологиялар**ни куйида кенгрок талқин этамиз.

Мутахассисларнинг фикрича инсоннинг асосий фаолият тури уч кўринишда шаклланади: меҳнат фаолияти, ўйин фаолияти, ўқув фаолияти. Улар барчаси ўзаро боғлиқ ҳолда содир бўлади.

Таъкидлашларича, болаларнинг мактабдаги ўқув материаллари асосидаги ақлий ҳаракатларини шаклланиш қонуниятлари ўйин фаолиятларида таркиб топади. Бироқ ўйинли таълимни ўқувчилар билан ишлашдаги асосий таълим шакли дейиш тўғри эмас. У ўқувчида билиш қобилятини шакллантирмайди. Бироқ, уларнинг билиш фаоллигини оширади, холос.

Брейн-ринг. Бу ўйин 2-гуруҳга кириб, унда ҳар бирида 5-6 тадан ўқувчи қатнашган командалар сони 2 тадан 5 тагача бўлиши мумкин. Бошловчи ҳар бир гуруҳга қисқа жавобли саволлар беради. Агар иштирокчилардан бири биринчи бўлиб тўғри жавоб берса, қолган барча саволлар фақат шу иштирокчига берилади ва ҳар бир тўғри жавоб учун олган балл тўпланиб боради. Агар тўпланган бални вақтида ўз командаси ҳисобига тушириб турмаса ва ўйинни тўхтатмай ўйин давомида нотўғри жавоб бериб қўйса ўша иштирокчи йиғаётган барча баллар куйиб кетади. Демак, қатнашувчи ўзи истаган пайтда ўйинни тўхтатиши ва тўплаган бални команда ҳисобига тушириши керак. Қолган саволларга энди бошқа иштирокчилар жавоб бериши лозим ва улар ҳам ўз командалари ҳисобига балл тўплаш имконига эга бўладилар. Ҳар бир тўғри жавоб учун 1 балл.

Анаграмма. Ўйин 3-гуруҳга мансуб бўлиб, унда командалар Информатикага боғлиқ сўзларни ҳосил қилишлари лозим бўлади. Масалан: информатизациялаштириш даври сўзидан 5 дақиқа ичида соҳага оид сўзларни ҳосил қилиш керак. Бир марта олинган ҳарф бошқа ишлатилмайди.

Занжир ўйини. Гуруҳ 4 га бўлиниб, ҳар бир гуруҳдан 1 тадан ўқувчи доска олдига чиқарилади. 1 ўқувчи фанга тегишли атама айтади. Кейинги ўқувчи олдинги ўқувчи айтганини ва ўзиникини қўшиб айтади. Ундан кейингиси олдинги 2 та ўқувчи айтган атамаларга яна ўзи янги қўшиб айтади. Ўйин шу тариқа давом этади, адашган ўқувчи ўйиндан чиқади, энг охири ўйиндан чиқиб кетмай қолган ўқувчи рағбатлантирилади. Ўйин хотирани мустаҳкамлашга жуда қўл келади.

Каррали сонлар. Гуруҳ талабаларидан тузилган ўйинда иштирок этувчи команда ўйинда шай туришади. Навбати билан сонларни тартиб билан келтиришади. Лекин тўртга каррали соннинг навбати етганда шу соннинг ўрнида талаба, албатта компютернинг биронта буйруғини ёки ёрдамчи клавишнинг вазифасини айтиши шарт. қонидани бузган ҳар бир ўқувчи ўйинни тарк этади. Маълум вақт давомида сабот билан ўйинни давом эттирган иштирокчи ғолиб саналади. Ўйин хотирани чархлашда жуда самарали ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда биз болани физик жиҳатдан ўстирувчи оддий ўйинлардан тортиб, катталар орасида ҳам машҳур бўлган интеллектуал ўйинлардан иборат бир қанча ўйинлар “омбори”га эгамиз. Барча ўйинларда ўйинчи ўйин шартларини тезда ўзлаштиради ва ўзига белгиланган вазифани қабул қилади. Ўйин қоидаларини бажариш жараёнида ўйинчи ўзининг мақбул қарорларини ўйиндаги муаммоларни ҳал қилишда эркин қабул қилиш имкониятига эга бўлади. Ўйиндаги мусобақа эса шахсий сифатни тинмай яхшиланиб боришига сабаб бўлади.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 28-29-сон, 262-модда
2. Н.Х. Авлиякулов. Педагогическая технология. Ташкент, 2009.
3. К. Исманова. Амалий дарс машғулотларини инновацион усуллар ёрдамида ташкил этиш. Таълим муаммолари журнали. 2-сон, 2012 й.